УДК: 37.047:005.6

ISO-21001 СТАНДАРТИ АСОСИДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Абдазов Султонбек
Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети мустақил тадқиқотчиси (PhD)
E-mail: Sultonbekuwed@gmail.com
ORCID iD: 0009-0008-4080-7286
https://doi.org/10.5281/zenodo.23183478

Аннотация. Тезисда умумий ўрта таълим мактабларининг 7-9-синф ўқувчиларини касбга йўналтириш бошқарувидаги 5 та асосий илмий муаммо ва уларнинг ISO-21001 халқаро сифат менежменти стандарти тамойиллари асосидаги ечимлари келтирилган. Ҳар бир муаммо аниқ таҳлил қилиниб, унга мос ISO-21001 тамойили ва амалий ечим механизми таклиф этилган. Тадқиқот натижалари Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Андижон вилоятларидаги 6 та мактабда, 384 нафар респондент иштирокида ўтказилган тажриба-синов ишлари асосида тасдиқланган.

Калит сўзлар: касбга йўналтириш, ISO-21001, сифат менежменти, бошқарув модели, жараёнли ёндашув, PDCA, KPI, ўқувчилар, касбий тавсия.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ ПРОФОРИЕНТАЦИЕЙ НА ОСНОВЕ СТАНДАРТА ISO-21001: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Аннотация. В тезисе представлены 5 основных научных проблем в управлении профориентацией учащихся 7-9 классов общеобразовательных школ и их решения на основе принципов международного стандарта менеджмента качества ISO-21001. Каждая проблема подвергнута детальному анализу, предложены соответствующий принцип ISO-21001 и механизм практического решения. Результаты исследования подтверждены экспериментальными работами, проведёнными в 6 школах Ташкента, Сырдарьинской и Андижанской областей с участием 384 респондентов.

Ключевые слова: профориентация, ISO-21001, менеджмент качества, модель управления, процессный подход, PDCA, KPI, учащиеся, профессиональная рекомендация.

IMPROVING CAREER GUIDANCE MANAGEMENT BASED ON THE ISO-21001 STANDARD: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Abstract. The thesis presents 5 main scientific problems in the management of career guidance for grades 7-9 students of secondary schools and their solutions based on the principles of the international quality management standard ISO-21001. Each problem is thoroughly analyzed, and a corresponding ISO-21001 principle and practical solution mechanism are proposed. The research results are confirmed by experimental work conducted in 6 schools of Tashkent, Syrdarya, and Andijan regions with the participation of 384 respondents.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

Keywords: career guidance, ISO-21001, quality management, management model, process approach, PDCA, KPI, students, career recommendation.

Кириш. Бугунги кунда Ўзбекистонда касбга йўналтириш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. ПҚ-316-сон Қарорга кўра, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб мактабнинг касбга ўқитиш эмас, балки касбга йўналтириш функциясини бажариши аниқ белгилаб берилди [1]. Бироқ, мазкур ҳужжатларда мактаб ичида 7-9-синф ўқувчилари билан қандай босқичма-босқич, стандартлашган тартибда ишлаш кераклиги етарлича ёритилмаган.

Мавжуд илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, касбга йўналтириш масалалари Е.А. Климов, Д. Сьюпер, Ж. Холланд каби олимларнинг назарияларида кенг ёритилган [2-4]. Бироқ, ушбу назарияларни бошқарув тизими билан интеграциялаш, хусусан ISO-21001 халқаро сифат менежменти стандарти тамойилларини касбга йўналтириш жараёнига татбиқ этиш масалалари етарлича тадқиқ қилинмаган.

Тадқиқотнинг илмий муаммоси шундан иборатки, мактаб ва Касбий таълим агентлиги ўртасидаги функционал бўлиниш амалга оширилган бўлса-да, мактабдаги касбга йўналтириш жараёни стандартлашмаган, кадрлар компетентлиги ва масъулияти ноаниқ, ҳамкорлик интерфейси ва мониторинг механизми мавжуд эмас.

Асосий қисм. Тадқиқот натижаларига кўра, мактаблардаги касбга йўналтириш тизимида 5 та асосий илмий муаммо аниқланди. Қуйидаги жадвалда уларнинг ҳар бири ISO-21001 тамойиллари асосидаги ечимлари билан келтирилган:

1-жадвал. Илмий муаммолар ва уларнинг ISO-21001 асосидаги ечимлари

№	Илмий муаммо	ISO-21001 тамойили	Ечим механизми
1	Йўналтириш жараёни стандартлашмаган, тасодифий тадбирлар даражасида қолмоқда	Жараёнли ёндашув	7-синф (диагностика), 8-синф (таништириш), 9-синф (қарор ва тавсия) босқичлари учун стандарт регламентлар (SOP) ишлаб чиқиш
2	Мактаб ва Касбий таълим агентлиги ўртасидаги «ўтиш кўприги» тизимсиз	Ўзаро манфаатли ҳамкорлик	Электрон портфолио, маълумот узатиш протоколи ва feedback механизмини ишлаб чиқиш
3	Психолог ва маслаҳатчиларнинг функционал вазифалари ва компетентлик талаблари ноаниқ	Етакчилик ва раҳбарлик	Касбга йўналтирувчи мутахассислар учун компетентлик матрицасини яратиш, 72 соатлик сертификат курсларини жорий этиш
4	Портфолио ва тавсия тизимининг ягона стандарти йўқ	Фактларга асосланган қарор	Кўп мезонли (психологик + академик + ижтимоий) интеграл алгоритм асосида ягона электрон портфолио шаблонини ишлаб чиқиш
5	Мониторинг ва орқа-байланиш механизми йўқ	Доимий такомиллаштириш	KPI тизими ва PDCA цикли асосида «Мониторинг ва баҳолаш йўл харитаси» ни

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

			тузиш

Тажриба-синов ишлари Ўзбекистоннинг учта ҳудуди - Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Андижон вилоятларидаги 6 та мактабда, 384 нафар респондент иштирокида ўтказилди. Тажриба гуруҳида ISO-21001 асосидаги модель жорий этилиб, назорат гуруҳида анъанавий тартиб сақланиб қолинди.

2-жадвал. Тажриба-синов натижалари (асосий кўрсаткичлар)

№	Респондент тоифаси	Тажриба гуруҳи ўзгариши	Назорат гуруҳи ўзгариши	KPI
1	Мактаб директорлари	+30,6 балл	+2,3 балл	66,2%
2	Директор ўринбосарлари	+27,0 балл	+1,9 балл	60,3%
3	Методистлар	+20,0 балл	+1,2 балл	61,5%
4	Психологлар	+9,3 балл	+0,7 балл	61,2%
5	9-синф ўқувчилари	+17,3 балл	+2,3 балл	35,7%
	ЎРТАЧА KPI			47,8%

Статистик верификация натижалари (t-мезон, χ^2-мезон, Манн-Уитни U-мезони) барча кўрсаткичлар бўйича таклиф этилган модель самарадорлигини тасдиқлади ($p<0,05$).

Хулоса. Тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди. Илк бор ISO-21001 тамойилларига асосланган «7-9-синф ўқувчиларини касбга йўналтириш жараёнини бошқариш модели» ишлаб чиқилди. Модел уч босқичли бўлиб, ҳар бир босқич ISO-21001 нинг муайян тамойилларига асосланади. Тажриба гуруҳида барча респондент тоифалари бўйича сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилди. Умумий ўсиш коэффициенти (KPI) 47,8% ни ташкил этди. Барча кўрсаткичлар бўйича ҳисобланган t-ҳисоб қийматлари (4,04 дан 8,75 гача) танқидий қийматдан катта бўлиб, $p<0,05$ (аксариятида $p<0,001$) эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Касбий таълим тизимида ислоҳотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2025 йил 23 октябрь, ПҚ-316-сон.
2. Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения. - Москва: Академия, 2004. - 304 с.
3. Super D.E. The Psychology of Careers. - New York: Harper & Brothers, 1957. - 362 p.
4. Holland J.L. Making Vocational Choices: A Theory of Vocational Personalities and Work Environments. - 3rd ed. - Odessa, FL: Psychological Assessment Resources, 1997. - 303 p.
5. ISO 21001:2018. Educational organizations - Management systems for educational organizations - Requirements with guidance for use. - Geneva: ISO, 2018.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.